

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 22 август, № 169 (8792) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# БИР БЎЛСАК — ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!

## ОЗАРБАЙЖОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 22-23 август кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.**

Ташриф дастурига мувофиқ Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Озарбайжон етакчилари раислигида олий даражадаги музокаралар ва Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлиси ўтказилиши режалаштирилган.

Саммит кун тартибидан Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Ўзаро товар айирбошлашни кўпайтириш, кооперация лойиҳаларининг янги портфелини шакллантириш, ишбилармонлик алоқаларини, шу жумладан, ҳудудлараро алмашинувни ривожлантириш, транспорт-коммуникация салоҳиятини рўёбга чиқариш, маданий-гуманитар алоқаларни фаоллаштириш ва бошқа масалалар диққат марказида бўлади.

Президентлар икки мамлакат бизнеси вакиллари билан учрашув ўтказиши, қатор ишбилармонлик ва маданий тадбирларда иштирок этиши ҳам кўзда тутилган.

**ЎзА.**

**ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБАЙЖОН:**

## МУШТАРАК ИЛДИЗЛАРДАН КУЧ ОЛГАН ДЎСТЛИК

*Озарбайжондек ўтмиши бой, табиати ранг-баранг мамлакат дунёда кам топилади. Кавказортининг Жануби-Шарқий қисмида жойлашган, тарихи ва келажаги шонли Озарбайжон дунёда ўз ўрнига, ўз сўзига эга давлат. Иқтисодий салоҳиятига кўра у дунёдаги тез ривожланаётган мамлакатлардан бири.*

### Ҳамкорлик

Қайд этиш жоизки, ўзбек ва озарбайжон халқлари ўртасидаги биродарлик, дўстлик ришталари қадим-қадимга бориб тақалади. Бу дўстлик асрлар мобайнида бир-биридан куч олиб шаклланган.

Муштарак илдизга эга, узоқ тарихга асосланган муносабатлар бугун янги давр воқелигига мос равишда жадал ривожланмоқда. Ва кун сайин мустаҳкамланиб бораётган бу дўстлик нафақат давлатларимиз, балки бутун туркий дунё тараққиётига ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

➔ 2

**Шундай юксак марраға эришишда илғор технологиялар асосида замонавий корхоналар очаётган, юз минглаб янги иш ўринларини яратаётган ва дунё бозорларига жадал кириб бораётган сиз, азму шижоатли тадбиркорларнинг ҳиссангиз беқиёс эканини халқимиз яхши билади.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## ТАДБИРКОРЛИК — ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ ГАРОВИ



*Бугун юртимизнинг тобора тараққий этиб, аҳоли учун қулай турмуш шароитларининг юзага келишида бизнес соҳаси вакилларининг ҳам ҳиссаси беқиёс. Шу жиҳатдан мамлакатимизда тадбиркорларни изчил қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим — ишбилармонлар билан очиқ мулоқотнинг йўлга қўйилгани соҳани жадал ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.*

*Ҳар йили август ойида ўтказиладиган Президент билан мамлакат тадбиркорларининг очиқ мулоқот шаклидаги учрашуви ишбилармонлик соҳаси тараққиёти йўлидаги муҳим масалаларга ечим топишга қаратилгани билан эътиборга моликдир.*

*Бу галги очиқ мулоқот Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилди ва унда мамлакатимиз ишбилармон доиралари вакиллари, кичик ва ўрта бизнес соҳасида меҳнат қилаётган тадбиркорлар иштирок этди.*

*Анжуман қатнашчиларининг фикр-мулоҳазалари, дил сўзлари билан газетамизнинг* ***4-саҳифасида*** *танишасиз.*

**Мустақиллик — тақдиримизда**

## МУСТАҚИЛЛИК — БУ ЭРКИНЛИК

*1991 йил 31 август — давлат мустақиллигимиз тикланган кунгача кечган ўн — ўн беш йиллик ва кейинги ўттиз уч йиллик каттагина муддатнинг ҳар бир бош босқич ҳамда воқеаларини яхши эслаймиз. Касбимиз тарихчи бўлгани туфайли уларни миллий борлиғимиз ва давлатчилигимиз тараққиёти орқали идрок этамиз, баҳолаймиз.*

1991 йил кузигача олдинига орзудек туюлиб, совет империяси сўнгги йилларини бошдан кечираётгани аёнлашиб боргани сари қўл чўзиб етгудек марраға айланган истиқлол унга эришилгач ўзгача сифат касб этиб борди.

Кузакнинг илк кун ва ҳафталарида бутун онг ва вужудимизни, энди буёғи бари зўр бўлади — узоқ пайт озодликка ташна бўлиб келган миллатимиз меҳнаткаш ва истеъдодли, тез орада демократия, бозор иқтисодиёти тантана қилиб, дунёга чиқамиз, илғор давлатлар қаторидан ўрин оламиз, фаровон, мазмунли ва адолатли турмуш кечирамиз, деган ишонч қамраб олган эди.

Ўшанда раҳматли отамизнинг, тўғри, шундай бўлишини мен ҳам истайман, бироқ сен ўйлагандек осон кечмайди, деганлари ҳам бор гап.



Чиндан ҳам, 33 йил бирдек ўтгани йўқ. Тарих ҳукмига кўра ушбу жиддийгина, росмана таҳлиллари ҳали олдинда муддат икки босқичга ажралиб бўлганини ҳам инкор этиш мумкин эмас. Энг муҳими, мустақиллик унга ташналар учун неъматдек қабул қилинсада, аслида ўта машаққатли, қарама-қаршиликларга бой, гоҳ қувонтириб, гоҳ хафа қиладиган жараён — ҳуқуқ экан!

➔ 2

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ САЙЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШИГА ИЖОЗАТ БЕРИЛДИ

*2024 йил 21 август куни Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

MSK
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASI

Хусусан, жорий йилнинг 16 август куни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан ва Ўзбекистон Экологик партиясидан, 17 август куни эса Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан ва Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партиясидан сайловда иштирок этишга ижозат бериш тўғрисидаги аризалар “E-saylov” ахборот тизими орқали Марказий сайлов комиссиясига келиб тушди.

Сиёсий партияларнинг аризалари тақдим қилинган куннинг ўзида уларнинг ваколатли вакиллари ўз партияларининг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзоси қўйилган имзо варақаларини Марказий сайлов комиссиясига топширдилар.

Марказий сайлов комиссияси томонидан имзо варақаларини текшириш бўйича Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази малакали мутахассислари, ИИВ Эксперт-криминалистика бош маркази ва қуйи тизимлари экспертлари, Тошкент давлат юридик университетининг профессор-ўқитувчилари ва фуқаролик жамияти институти вакилларидан таркиб топган жами 33 нафардан иборат экспертлар гуруҳлари тузилиб, улар тақдим этилган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини сайлов қонунчилигига мувофиқ текшириб чиқди.

Текширув натижаларига кўра ҳар бир сиёсий партия 40 мингдан ортиқ ҳақиқий имзолар тўплашга муваффақ бўлганлиги аниқланди.

Сайлов кодексининг 69-моддасига мувофиқ сайловда иштирок этувчи партиялар рўйхати аризаларнинг келиб тушиши навбати тартибида марказий матбуотда эълон қилинади. Шунга кўра сиёсий партиялардан ҳужжатларнинг келиб тушиши навбатига асосан қуйидаги кетма-кетликда сиёсий партиялар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловларида иштирок этишга ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилинди:

**биринчи**, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига;

**иккинчи**, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясига;

**учинчи**, Ўзбекистон Экологик партиясига;

**тўртинчи**, Ўзбекистон Халқ демократик партиясига;

**бешинчи**, Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партиясига.

Маълумки, Сайлов кодексининг 31-моддасига асосан Қонунчилик палатаси депутатларининг ягона сайлов округи бўйича сайловида сайлов бюллетенига унда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг номи, рамзий белгиси уларнинг сайловда қатнашиши учун ижозат берилган навбатига мувофиқ кетма-кетликда киритилади.

**Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

### ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ИЖОЗАТ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 2024 йил 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловида иштирок этиш учун тақдим этган ҳужжатларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14, 16, 69 ва 89-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловида иштирок этишга ижозат берилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ва матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси З. НИЗАМХОДЖАЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 21 август

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ИЖОЗАТ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2024 йил 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловида иштирок этиш учун тақдим этган ҳужжатларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14, 16, 69 ва 89-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. **Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясига** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловида иштирок этишга ижозат берилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ва матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси З. НИЗАМХОДЖАЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 21 август

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ПАРТИЯСИГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ИЖОЗАТ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Экологик партиясининг 2024 йил 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловида иштирок этиш учун тақдим этган ҳужжатларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14, 16, 69 ва 89-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. **Ўзбекистон Экологик партиясига** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловида иштирок этишга ижозат берилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ва матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси З. НИЗАМХОДЖАЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 21 август

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ИЖОЗАТ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2024 йил 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловида иштирок этиш учун тақдим этган ҳужжатларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14, 16, 69 ва 89-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. **Ўзбекистон Халқ демократик партиясига** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловида иштирок этишга ижозат берилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ва матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси З. НИЗАМХОДЖАЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 21 август

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ИЖОЗАТ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг 2024 йил 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловида иштирок этиш учун тақдим этган ҳужжатларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14, 16, 69 ва 89-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. **Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясига** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловида иштирок этишга ижозат берилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ва матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси З. НИЗАМХОДЖАЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 21 август

## ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБАЙЖОН:

# МУШТАРАК ИЛДИЗЛАРДАН КУЧ ОЛГАН ДЎСТЛИК

1 Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Озарбайжонга ташкил этилган медиатур доирасида бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик.



### Туташ томирлар

Тошкент халқаро аэропортидан парвоз қилган Озарбайжон ҳаво йўлларига қарашли замонавий лайнер икки ярим соатдан сўнг Боку шаҳрида қад ростлаган Ҳайдар Алиев номидаги халқаро аэропортга оҳиста қўнди.

“Ҳар қандай ҳудуд ҳақидаги дастлабки таассурот остонадан бошланади” деганларидек, кутиб олишга чиққан қардошларимизнинг илк сўзи шундай бўлди: “Ўзингизни бегона диёрга келдик деб ҳисобламанг, Озарбайжон — сизнинг ҳам юртингиз, ўзбеклар — туташ томирларимиз!”

Маълумотларга кўра Бокуда расман 2,3 миллион, бироқ сайёҳларнинг келиб кетиши ва вақтинча яшаётган хорижлик ҳамда маҳаллий аҳоли билан ҳисоблаганда 3 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ёз фаслининг иссиқ кунлари бўлишига қарамай ёмғир шивалаб турибди. Аэропортдан шаҳар марказидаги меҳмонхонага келгунча қарийб 30 — 40 дақиқа ўтди. Шу вақт мобайнида шаҳарнинг анча-мунча қисмини томоша қилишга улгурдик. Кўчаларда автомобиллар тартиб билан ҳаракатланмоқда, жамоат транспорти ҳам жуда яхши йўлга қўйилган. Энг муҳими, шаҳар кўчалари жуда озода.

Меҳмон кутиш, иззат-икром кўрсатиш қардошларимизга ҳам хос эзгу қадриятлардан. Меҳмонхонага етиб келгач бизни кутиб олган дўстларимиз ўз тилида салом бераркан, кўзлари чақнаб, мамнун алфозда сўз бошлади: “Эй, қардошим, Ўзбекистон — биз учун жонажон, қадрдон диёр. Сиз ва биз деган сўз йўқ, ҳаммамиз бирмиз...”

Тушликдан сўнг сафаримизнинг расмий тадбир ва учрашувлари бошланди.

Дастлаб “AZƏRTAC” — Озарбайжон давлат ахборот агентлигида бўлдик.

Бу ерда бошқарма бошлиғи Элшан Шахбалаев ахборот агентлиги фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Ўз навбатида, биз ҳам ҳамкорлигимизнинг келажак режалари, кўзлаган мақсадлари ҳақида сўзладик.

Шундан сўнг “AZTV” — Озарбайжон телерадиокомпаниясига ташриф буюриб, бу ерда кўрсатувлар тайёрлаш жараёни билан бевосита танишишга муваффақ бўлдик. “AZTV” Халқаро муносабатлар департаменти раҳбари Элнар Мамедов Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни мустаҳкамланиб, нуфузи тобора ошиб бораётгани катта мамнуният бағишлашини таъкидлар экан, унинг тимсолида озарбайжон халқининг ўзбек халқига меҳр-муҳаббатини, эҳтиромини кўрдик.

“Йўл харитаси”ни амалга ошириш бўйича медиация доирасидаги навбатдаги учрашув — Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида давом этди. Унда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ижрочи директори ўринбосари Натиг Маммадли икки мамлакат ўртасида соҳа бўйича ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро тажриба алмашиш ва дезинформацияга қарши биргаликда курашиш муҳимлигини таъкидлаб, бу борада қилинган ва амалга оширилиши лозим бўлган қатор вазифалар ҳақида маълумот берди...

### Ичкари шаҳар — Боку юраги

Боку — ҳайрат ва мўъжизалар макони. Бетакрор шаҳар гўзаллигидан баҳраманд бўлиш иштиёқида оқшом Боку бўйлаб саёҳатга чиқдик.

Пойтахт шаҳардаги ҳар детал, ҳар бир манзаранинг ўзиёқ сизга бу мамлакат ва унинг халқи ҳақида етарлича тасаввур беради. Модернча қурилган маҳобатли ва кўркам бинолару омма учун ўрнатилган авангард ҳайкаллар, ноёб ва ҳайратланарли санъат намуналарида ҳам мамлакатнинг миллий қиёфаси, руҳи бўртиб турганига гувоҳ бўласиз.

Айниқса, кўҳна бу юртнинг бой тарихи ва қадимий обидалари ҳар қандай кишини мафтун этади. Ноёб архитектура ечими асосида қад ростлаган тарихий ёдгорликлар, замонавий иншоотлар ҳар қандай кишида катта қизиқиш уйғотади. Буларнинг барчаси ўз миллий қадрият ва анъаналарини эъзозлайдиган, бунёдкор, изланувчан халқнинг бекиёс меҳнатлари ва мамлакатдаги тинчлик, осойишталик самарасидир.

Энг биринчи йўл олган жойимиз — Ичкари шаҳар.

Тўғриси, ўзига хос бу қалъа-шаҳарни кўриб, маҳобатли иншоотлар орасида ўзимизни гўё мўъжизалар оламига тушиб қолгандай ҳис этдик. Бир-бирига туташиб кетган гўзал обидалар хаёлни узоқ ўтмишга етаклайди. Уларнинг ўзига хослиги бу заминда миллий меъморчилик қадимдан юксак даражада тараққий этганидан далолат беради.

Минг йиллик тарихга эга ушбу кент Ширвоншоҳлар давлати пойтахти ҳисобланган, шунингдек, Яқин Шарқнинг энг қадимий ва маданий маркази ҳам. Бу ерда 20 га яқин меҳмонхоналар, 100 дан ошиқ савдо расталари фаолият юритади, шунингдек, 1 мингдан зиёд оилалар истиқомат қилади. Майдони 22 гектардан иборат Ичкари шаҳар ҳудудида юзлаб тарихий ёдгорликлар мавжуд.

Ичкари шаҳарнинг энг диққатга сазовор жойларини айланар эканмиз, ҳақиқатан ҳам, тарихан яқинлигимизни ҳис қилдик. Бу туйғу бизни Қиз қалъаси, Ширвоншоҳлар саройи мажмуаси, Муҳаммад ибн Абу Бакр масжиди, Археологик парк, “Бухоро” карвонсаройини кезганимизда ҳам тарк этмади. Ва амин бўлдикки, озарбайжон халқи табиатидаги меҳр-оқибат ва меҳмондўстлик, шонли тарих ва маънавият сарчашмаси самарасида яратилган нодир осориатиқалар, ундаги мураккаб ва нафис нақшлар уйғунлиги сайёҳлар, хорижий меҳмонларнинг ҳайрат ва ҳавасига сабаб бўлмоқда.

Кейинги манзилимиз — Ҳазар денгизи... Олис-олис кенгликларга узанган, кўз етмас денгиз ҳайратимизни оширди. Димоғимизга шўр таъм ва ажиб ҳид, юзимизга денгизнинг қайсар шамоли урилди, бу ҳол айрича тароват, фараҳ бағишлади кўнглимизга. Соҳилда сайр қилаётган ёшларга, саёҳатга келган меҳмонларга, маҳаллий аҳоли вакилларига кўзимиз тушди.

Соҳил бўйлаб бироз вақт айландик. Эртага саҳар туришимиз кераклигини ёддан чиқармаган ҳолда меҳмонхонага қайтиш тараддудига тушдик. Шу пайт юз-кўзида ўзгача самимият зоҳир жуфтлик қаердан келганимиз билан қизиқди. Ўзбекистонлик эканимизни билишгач бирваракайига “ваҳ, Ўзбекистон, Диёра Келдиёрова — чемпион, Лазизбек Муллажонов — чемпион!” дея бирма-бир санаб кетишди. Ўзбекистон ёшлари юксак марраларни забт этаётганидан, юртимиз номини бутун дунёга ёяётганидан фахр туйдик.

### Дўстлигимизни кўз қорачиғидай асраш — ҳар биримизнинг вазифамиз

Сафаримизнинг кейинги куни тонг чоғи Озарбайжон Республикасининг Қорабоғ иқтисодий зонасига бориш учун йўлга тушдик.

Илк манзилимиз — Агдам (Оқтом) шаҳри.

Осмонда қуёш чарақлаб турса-да, кечаги ёмғир сабабми, салқин шамол эсяпти. Табиатнинг гўзаллигидан ҳайратланиб боракарканмиз, ҳамроҳимиз — Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги департамент раҳбари Расим Каримли йўл-йўлакай қишлоқларнинг тарихини ҳикоя қилди. Унинг сўзларига кўра бу ерларда қадимий манзиллар, обидалар жуда кўп. Аммо ўттиз йилдан зиёдроқ истило бу ҳудудларнинг вайрон бўлишига олиб келган.

Дарҳақиқат, Оқтом шаҳрига келакелгунча уруш асоратларига кўзимиз тушди. Вайронага айланган аҳоли пунктлари ҳувиллаб ётибди. Эгасиз қолган боғ-роғлар қаровсиз ташлаб қўйилган.

Бир вақтлар жаҳоннинг буюк алломаларига бешик бўлган Фузулий туманида ҳам аҳоли сийрак. Уйларнинг тўрт деворидан иборат вайроналар, ўз ҳолича ўсиб ётган узумзорлар, узоқ вақт парвариш кўрмаган мевали дарахтларнинг мунгайган таналари уруш офатидан сўзлайди...

Бу даҳшат изларини кузатиб, тинчлик қанчалар буюк неъмат эканига яна бир бор амин бўлик.

— Ўзбекистон биз учун қадрдон, қардош юрт, — дейди биз билан суҳбатда Озарбайжон Республикаси Президентининг Агдам, Фузулий ва Ходжавенд туманларидаги махсус вакиллиги ходими Азер Яришев. — Дўстлигимизни кўз қорачиғидай асраш ҳар биримизнинг мақсадимиздир. Бугун биродарлик риштлари, ҳамкорлигимиз кенгайиб бораётир, халқларимиз ҳам, мамлакатларимиз ҳам бир-бирига елка тутиб, яхши-ёмон кунда бир-бирини қўллаб келмоқда. Буни Фузулий шаҳрининг билим ўчоғига айланган Мирзо Улуғбек номидаги мактаб мисолида ҳам кўриш мумкин.

Дарвоқе, Фузулий шаҳри марказида бунёд этилган Мирзо Улуғбек номидаги 1-умумтаълим мактабида бўлганимиз сафар дафтаримизга алоҳида саҳифа ўлароқ ёзилди. Аслида ҳам ушбу мактабни Фузулий шаҳрига кўр бағишлаб турган таълим саройи, десак, муболаға эмас. Мамлакатимизнинг бу биродарлик совғасини кўрган ҳар қандай кўз қувнайди, қалбга ногаҳон шодлик тўлади. Бу ҳақда мактаб директори Ҳажар Маҳмудова шундай дейди:

— 2021 йилнинг 31 март куни бўлиб ўтган Туркий кенгашнинг норасмий саммитида Ўзбекистон Президенти Қорабоғ заминидаги ёдгорликлар, маданият ва маърифат масканларини қайта тиклашга ўз ҳиссасини қўшишга тайёр эканини таъкидлаганди. Буни бутун Озарбайжон халқи мамнуният билан кутиб олган, қалбларимиз тўлқинланганди.

Шаҳримизда 960 нафар ўқувчини ўз бағрига олувчи замонавий мактаб қурилиши қардош миллат Юртбошиси ташаббусининг амалий ифодаси бўлди.

Яқинда Ўзбекистон томони кутубхонамизга 1500 та турли номдаги китоблар жамламасини совға қилди. Бу, ўз навбатида, ўсиб келаётган ўғил-қизларимизни Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданиятига, буюк аждодларимиз меросига ошно этишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Биласизми, Ўзбекистон ва Озарбайжон Президентларининг мактабимиз очилиш маросимида иштирок этиши катта байрамга айланиб кетди.

Унда Президент Илҳом Алиев “Бу Қорабоғни тиклашда хорижий давлатнинг илк совғаси ва биз бу биродарлик, ҳамжиҳатлик ва қўллаб-қувватлаш ишорасини юксак қадрлаймиз”, дея алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мактабимизни “Самимий дўстлигимиз келажаги ёдгорлиги”, дея атади...

Дарҳақиқат, кўп асрлик синовдан ўтган анъанага мувофиқ бу мактаб нафақат таълим маскани, балки дўстлик ва биродарлигимизнинг яна бир маркази бўлиши муқаррар. Ишонамизки, келажакда бу ердан олимлар, шоиру ёзувчилар — халқларимиз эртаси, дўстлиги учун сидқидилдан хизмат қилувчи истеъдодлар етишиб чиқади.

Ўзбекистон Президенти бунинг учун Фузулийда пойдевор яратгани айни ҳақиқат.

### Шуша — Қорабоғ дурдонаси

...Атрофга қоронғи туша бошлаганда пурвиқор тоғлар узра янги қурилган йўл бўйлаб Қорабоғнинг юраги бўлмиш Шуша шаҳрига чиқиб бордик. Қорабоғ тоғлари этагида жойлашган Шуша бетакрор табиати билан ҳар қандай одамни ўзига мафтун этади. Бу ердаги қадимий манзиллар, тоғ ёнбағри, адирлар арчазорлар, ёввойи мевали дарахтлар, буталар билан қопланган.

Буюк тарихга эга Шуша шаҳри ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай жой. Ўз даврида ҳунармандчилик, амалий санъат, меъморчилик, илм-фан ривожланган. Айни чоғда кўплаб меъморий дурдоналар сақланиб қолган.

Шаҳар Қорабоғнинг баланд нуқтасида — денгиз сатҳидан 1368 метр баландликда жойлашган бўлиб, наинки ўлканинг, балки туркий дунёнинг маданият пойтахти сифатида қадрланади.

Шуша — озарбайжон халқининг жасорати, матонати, мардлик ва бирдамлигини яққол намоён этган тарихий ғалабанинг ёрқин тимсолидир. Барчамизга яхши аёнки, салкам 40 йиллик истилодан кейин ушбу шаҳар Озарбайжонга қайтарилди.

Ҳозирги кунда бу ерда қурилиш-бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилаётир. Шаҳарда электр, газ, ичимлик суви тармоқлари янгиланмоқда, ижтимоий объектлар таъмирланяпти. Қисқача айтганда, ҳаёт аста-секин изга қайтмоқда, аҳоли ўз яшаш ҳудудига кўчиб кела бошлади.

...Қорабоғ сафари якунига етиб, яна ўша текис ва равон йўл — Зафар (Ғалаба) йўли орқали Бокуга қайтарканмиз, кўнглимиздан бир ният кечди: эркин, мустақил ва фаровон келажакни қуриш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш йўлидан дадил одимлаётган Озарбайжоннинг зафар йўли ҳамиша бардавом, бу заминда тинчлик, осойишталик абадий барқарор бўлади... Муштарак илдизлардан ягона мақсадлар сари йўл олган икки қардош ўлка — Ўзбекистон ва Озарбайжон дўстлиги эса бундан кейин ҳам давом этади, янги шакл ҳамда мазмун билан бойиб, янада мустаҳкамланиб бораверади...

**Беҳзод НОРБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**
Тошкент — Боку — Қорабоғ — Тошкент

## МУСТАҚИЛЛИК — БУ ЭРКИНЛИК

1 Бу ҳақдаги илк қарашларимизни “Миллий тикланиш” газетасида босилган “Мустақиллик демократияси” сарлавҳали мақоламизда баён этганимизга ҳам икки йили кам ўттиз йил бўлибди...

Ўшандан кейинги жуда мураккаб, баъзан тушуниб бўлмас паллаларда мустақилликнинг мустамлакачиликдан фарқи ва афзалликлари борасида шубҳали ўйларга ҳам борганимизни яшириб ўтирмаймиз. Миллат ўлароқ бошқа кимгадир бутунлай қарамликдан қутулиш, давлат мустақиллигини тиклаш бир иш, жамият — юртдошлар мустақиллиги бошқа бир иш экани ҳақидаги “ваҳимали” хулосаларимиз ҳам ўша пайтларда туғила бошлагани рост!

Демак, давлатчилик ўз йўлига, аммо миллиятчилик омили ҳам ўта муҳим ва зарур экан! Бошқача айтганда, гарчи ҳар қандай шароитда давлатчиликни ёқласакда, бироқ унинг негизи бўлмиш инсон — миллатни юзага чиқармай туриб, давлатни мустаҳкамлаб ҳам, тараққий эттириб ҳам бўлмас экан. Уч минг йиллик миллий давлатчилик ривожимиздаги энг ҳал қилувчи босқичлардан бири саналмиш Янги Ўзбекистон ушбу ҳақиқатнинг боқийлиги ва самаралилигини исботлади-қўйди!

Ҳеч бир шубҳасиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёев номи ва хизматлари билан боғланган ва боғланадиган Янги Ўзбекистон нимадан бошланганини эслаш, эслатиш ҳам фарз, ҳам қарз.

Эркинлик, умуммиллий эркинликдан!

Ўша кезлари ижтимоий-иқтисодий аҳволимиз ўта танг бўлгани эндиликда бир ёмон тушга айланиб улгурди. Сиёсий вазият, айниқса, минтақамиздаги таранглик даражасини ҳам ҳозирда биров ё хотирлайди, ё йўқ. Аммо ўзбекнинг неча-неча авлоди ташна бўлган омил — эркинлик бугун биз баралла айтаётган янгиланишлар, ўзгаришлар даврини очиб берганини ҳеч ким инкор этолмайди. Агар келиб чиқиши арабча бўлмиш “мустақиллик” сўзи ўз эрки билан иш кўришни билдириши-ю, “ўзбек”-нинг маъниси ҳам аслида шундайлигидан келиб чиқилса, 2016 йил кузида жамиятимизга инъом этилган бебаҳо куч ва бойликнинг аҳамияти янада ойдинлашиши муқаррар.

Демак, инсон эркига қурилган давлатчиликкина ўз вазифасини тўлақонли ва оқилона бажара олиши мумкин экан! Негаки, инсоннинг илк ва борлиқ ҳуқуқи унинг эркидир! Ўтган саккиз йиллик ўта қисқа вақт ичида миллий етакчимиз бошчилигида эришилган ва эришилаётган чиндан ҳам, тарихий ютуқларимиз — 3000 йиллик давлатчилик ривожимизда илк бор демократия босқичига ўтилгани, бозор иқтисодиёти тиклангани, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш тизимларида адолат ўрнатилгани, мажбурий меҳнат — пахта қуллигидан қутулингани, сўз эркинлигига эришилгани, мусулмончилигимиз сақлаб қолингани, тарихий Турон — Марказий Осиё, Туркий дунё бирлиги таъминлагани, халқаро майдонда йўқотилган ўрнимиз қайтиб олинаётгани — барча-барчасининг булоқбошиси айнан шу тенгсиз омил билан боғлиқлигига қаттиқ ишонамиз!

Ҳа, мустақиллик эркинликдир!

**Азамат ЗИЁ,**
**академик,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси,**
**ФА Тарих институти директори.**

# ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА



*Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ. Бурҳонов 2024 йилнинг июль ойида ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бошлиғи лавозимига янги тайинланган Шерзод Ибрагимов ҳамда соҳа масъуллари билан учрашиб, тизимда амалга оширилаётган ишлар, ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликларни муҳокама қилди.*

### Учрашув

Мулоқот давомида жорий йилнинг 6 ойида республикадаги умумий йўл-транспорт ҳодисалари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,6 фоиз, ўлим билан боғлиқ ҳодисалар 1,1 фоиз, тан жароҳати олганлик ҳолатлари 9,2 фоиз камайишига эришилгани, бироқ йўл-транспорт ҳодисалари ва улар оқибатида ҳаётдан кўз юмаётганлар сони ҳанузгача юқорилигича қолаётгани афсус билан қайд этилди.

Сенатор ўтган олти ой давомида мамлакат бўйича қонуний равишда ўқиб, ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлган шахслар томонидан 10 млн. 200 мингдан ортиқ қоидабузарликлар содир этилганини алоҳида таъкидлаб, хизматнинг янги тайинланган раҳбари олдида нечоғли долзарб масала турганини яна бир бор эслатиб ўтди.

Ачинарлиси, ўтган йилда транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган баъзи шахслар рухсатномаси бўлмай туриб яна қайтадан рулга ўтирган. Натижада улар томонидан 707 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган ва оқибатда 212 нафар шахс дунёдан кўз юмган. 546 нафар шахс эса турли даражадаги тан жароҳати олган.

Буни рақамлар мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум бўлганлар умумий ҳайдовчиларнинг 0,3 фоизини ташкил этади. Аммо улар томонидан содир қилинган йўл-транспорт ҳодисалари жами юз берган аварияларнинг 11 фоизини ташкил этган.

Бу каби қонунбузарлар касрига, юқорида айтганимиздек, яхши ният билан йўлга чиққан юртдошларимиз қолаётгани, қанчадан-қанча оилаларнинг ҳаётига жудолик ва мусибатлар тушаётганини тасаввур қилишнинг ўзи оғриқли. Ана шундай номақбул кимсаларнинг хатти-ҳаракати халқимизнинг қаҳр-ғазабини, турли норозиликларни келтириб чиқармоқда.

Қўмита раиси ушбу ҳолатларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш зарур эканини қайд этиб, ўз таклифларини билдирди. Бунда амалдаги қонунчиликка ўзгартириш киритиш орқали жазо чораларини кучайтириш лозимлиги мақсадга мувофиқлиги алоҳида таъкидланди.

Бундан ташқари, учрашувда кейинги йилларда аҳоли ва транспорт сонининг ортиши оқибатида пиёдалар иштирокидаги ҳодисалар бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланганига ҳам тўхталиб ўтилди.

Шу билан бирга, муҳокама жараёнида пиёдалар айби билан юз бераётган ЙТҲга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўси ўсиб бораётган бир пайтда жорий 6 ой давомида қонун устуворлигини таъминлаш орқада қолаётир. Буни ЙТҲнинг 58,5 фоизи пиёдалар иштирокида содир этилганида ҳам кўришимиз мумкин.

Хўш, пиёдалар билан боғлиқ ЙТҲ қандай сабабларга кўра юз бермоқда? Бу саволга жавоб ўлароқ сенатор ЙТҲ вақтида таҳлил қилинмаётгани, аҳоли гавжум жойларда, айниқса, бозорларда пиёдалар ўтиш жойида светофорлар қўйилмаётгани, ҳокимликлар, маҳаллий Кенгашлар зарур чоралар кўрмаётгани, айни чоғда, аҳолининг йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиши оқибатида юз бераётганини таъкидлади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, пиёдалар иштирокидаги ҳодисаларнинг 20 фоизи пиёдалар ўтиш жойлари ташкил этилмаганлиги оқибатида, 19 фоизи эса бундай жойлар мавжуд бўлса-да, пиёдалар томонидан онгли равишда йўл ҳаракати қоидаларига бўйсунмасдан белгиланмаган жойдан кесиб ўтиши оқибатида содир бўлган. Шунингдек, пиёдалар иштирокидаги ҳодисаларнинг 13 фоизи ҳайдовчиларнинг тартибга солинган пиёдалар ўтиш жойида светофорнинг тақиқловчи ишорасига қарамай ҳаракатланиши, 16 фоизи тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойида ҳайдовчиларнинг пиёдаларга йўл бермаслиги оқибатида келиб чиққан.

Бу борада сенатор ҳайдовчиларнинг тартибга солинган пиёдалар ўтиш жойида светофорнинг тақиқловчи ишорасига бўйсунмай ҳаракатланишини ҳамда маст ҳолатда автомашина бошқарувига ўтиришини энг оғир ва жазо муқаррар хатти-ҳаракатлардан бўлиши кераклигини таъкидлади. Бунга ЙҲХХнинг янги раҳбари алоҳида эътибор қаратиши юзасидан таклифлар билдирилди.

Пиёдалар томонидан ҳам йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этиш бирдек зарурлиги, уларнинг бу қоидаларга амал қилишини таъминлаш, маст ҳолатда автомобиль бошқарувига ўтириш оғир салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги юзасидан ҳайдовчи ва пиёдаларни хабардор этиш, бу бўйича фаол тарғибот тадбирлари олиб бориш ва мазкур жараёнларга зиёлилар, маҳаллий Кенгаш депутатлари, ҳокимликларни жалб қилиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Муҳокама давомида мавжуд муаммоли ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамда Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳамкорлигида таклифлар ишлаб чиқилгани ҳам айтиб ўтилди.

*Биринчидан*, амалдаги қонунчиликка ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум бўлган, бироқ яна йўл-транспорт ҳодисасини содир этган шахсларнинг масъулиятини ва жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш масаласини кўриб чиқиш;

*иккинчидан*, болалар иштирокида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида умумтаълим мактабларида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 августдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Йўл ҳаракати хавфсизлиги” (Ҳаётий фаолият хавфсизлиги) фанини мажбурий жорий этиш;

*учинчидан*, маҳаллий ҳокимликлар томонидан истироҳат боғлари ҳудудларида йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш бўйича барча шароит яратилган майдончаларни барпо этиш, бунда болаларга йўл ҳаракати хавфсизлиги асосларини амалий ҳамда кўргазмали тарзда ўргатишни йўлга қўйиш;

*тўртинчидан*, умумтаълим мактабларида йўл ҳаракати қоидаларини ўргатишга ҳудудлардаги Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти, “Автомотоҳаваскорлар” кўнгилли жамияти, “Транскасб” корхоналар уюшмаси автомактаб ўқитувчиларини жалб этиш орқали ўқитиш ва педагогика университетларида йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш бўйича педагог кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш;

*бешинчидан*, халқаро автомобиль йўллари ёқасида жойлашган 214 та ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари ёқасида жойлашган 1064 та мактаб олдида қоидабузарликларни аниқловчи фото-видео қурилмаларни ўрнатиш;

*олтинчидан*, пиёдалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида янги қурилаётган ва лойиҳалаштирилаётган автомобиль йўлларида ҳаракат қатнов қисмида кесиб ўтувчи пиёдалар ўтиш жойлари ташкил этишга йўл қўймаслик, мазкур объектларни йўлўтказгич, ер ости ёки ер усти пиёдалар ўтиш жойи шаклида ташкил этиш;

*еттинчидан*, ҳаракат тиғиз бўлган бозорлар, савдо ярмаркалари, истироҳат боғлари атрофида ҳамда пиёдалар ўтиш жойларида қоидабузарликларни аниқловчи фото-видео қурилмаларини ўрнатиш ва амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш;

*саккизинчидан*, “Open Budget” дастури асосида автомобиль йўллари ва кўчаларни реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш лойиҳаларини “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан мажбурий тартибда келишиш, келишилмаган лойиҳалар асосида амалга оширилаётган таъмирлаш ишларини қонун талаблари асосида тўхтатиш;

*тўққизинчидан*, мавжуд амалиёт ҳамда хорижий тажрибани қиёсий таҳлил қилган ҳолда мамлакатимизда ҳайдовчилик маданиятини шакллантириш, ҳайдовчи ва пиёдаларда ўзи ҳамда атрофдагиларнинг хавфсизлиги учун масъулият ҳиссини кучайтиришга қаратилган ягона концепцияни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Мулоқотда йўл-транспорт ҳодисаларини камайтиришга қаратилган тарғибот ишлари кутилган натижаларни бермаётгани инобатга олиниб, бутун тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш бўйича тегишли ишларни ҳамкорликда амалга оширишга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

**БМТнинг Муносиб тураржой масалалари бўйича махсус маърузачиси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) билан учрашди.**

# СОҲА ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҲУЖЖАТ

*Кейинги йилларда иқтисодиётимиз қарийб икки баробар ўсди. Ўтган йил якуни бўйича бу ўсиш 6 фоизни ташкил қилди. Тадбиркорлик субъектларининг сони икки карра кўпайди, саноатдаги ўсиш суръатлари 40 фоиздан ошди, қисқа муддатда камбағалликни қисқартиришга эришилди.*

## Мушоҳада



Айниқса, кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш бўйича қабул қилинган қарор ва фармонлар, шунингдек, соҳага берилаётган катта эътибор натижасида 2019 — 2024 йилларнинг январь — июнь ойлари давомида жами 290,6 мингта кичик корхона ва микрофирма янгидан очилди.

Дунёда давом этаётган мураккаб иқтисодий инқироз оқибатлари, нотинчлик ва зиддиятлар фонида юртимизда озиқ-овқат ҳамда энергетика хавфсизлиги таъминланиши, иқтисодиётимизда ижобий ўзгаришлар юз бераётгани, аввало, Президентимиз ташаббуслари асосида барча соҳада олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самарасидир.

Ҳеч бир ривожланаётган мамлакат тажрибасида учрамайдиган воқелик — Президентимиз томонидан ҳар йили тадбиркорлар билан ўтказиладиган очиқ мулоқот ва унда билдириладиган таклифлар тадбиркорликка янада кенг шароит ва енгилликлар яратаётгани айни ҳақиқат.

20 август — Тадбиркорлар куни юртимизда кенг нишонланиб, Президентимиз Қорақалпоғистонда соҳа вакиллари билан очиқ мулоқот қилгани ҳам юртимиз ишбилармонларига юксак ишонч ифодасидир.

Бугунги кунда қонунчилигимизда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Бироқ уларнинг ниҳоятда кўплиги амалда қўллаш билан боғлиқ қийинчиликларни келтириб чиқарар, тадбиркорлик субъектларининг асосли эътирозларига сабаб бўлаётганди. Шу боис бизнес вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда замонавий тенденциялардан кенг фойдаланган ҳолда мавжуд бўшлиқларни бартараф этиш, янги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солиш лозимлиги бугунимизнинг долзарб талабига айланганди.

Шу боис Олий Мажлис Сенатининг 55-ялпи мажлисида Тадбиркорлик кодекси сенаторлар томонидан бир овоздан маъқулланди. Унда 100 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари, жумладан, 9 та қонун унификация этилмоқда. Хусусан, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ягона яхлит ва тизимли ёндашуви жорий этилмоқда. "Кичик", "ўрта" ва "йирик" бизнес мезонлари орқали тадбиркорлик субъектлари тоифаларга ажратилмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ва кафолатларини таъминлаш мақсадида қонунийлик, тадбиркорлик эркинлиги, субъектлар тенглиги, ҳалол рақобат, виждонлилик презумпцияси, коррупциядан холи бўлиш каби асосий принциплар ҳам кодексда мустаҳкамланмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятига аралашувларни камайтириш мақсадида 38 та давлат органининг 147 та назорат функцияси ва Бизнес-омбудсманни хабардор этиш тартибида ўтказиладиган 20 турдаги текширувлар рўйхатлари кодекснинг иловасида қайд қилиняпти. Рўйхатга киритилмаган бошқа текширувлар эса Бизнес-омбудсман билан келишилган тартибда амалга оширилиши қатъий белгиланмоқда.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат субсидияларини бериш тартиби ҳам қайд қилиняпти. Бунда субсидия Президент қарори билан жорий этилиши, ҳукумат томонидан тартиб-таомиллари белгиланиши ҳамда "ягона дарча" принципи асосида Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ажратилиши назарда тутилмоқда.

Кодексда ижтимоий тадбиркорлик, ижтимоий корхона, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари рўйхати ва уларни, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг механизмлари белгиланмоқда.

Давлат корхоналарига рақобатни чекловчи тўғридан-тўғри солиқ, божхона ва бошқа турдаги имтиёз ва преференциялар бериш тақиқланмоқда.

Кодекснинг яна бир муҳим жиҳати, унга ёшлар ва аёллар тадбиркорлиги йўналишларига оид нормалар киритилмоқда. Хусусан, аёллар тадбиркорлигининг мезонлари белгиланиб, агар тадбиркорлик субъектини бошқаришда аёл киши (аёллар) тўлиқ жавобгар бўлса, бошқарув органлари таркибининг камида учдан бир қисмини аёллар ташкил этса ва тадбиркорлик субъектининг устав фондидаги (устав капиталидаги) аёл кишининг (аёлларнинг) улуши эллик ва ундан кўп фоизни ташкил қилса, ушбу субъект аёллар тадбиркорлиги сифатида эътироф этилиши белгиланмоқда.

Шу каби мезонлар ёшлар тадбиркорлигига ҳам йўналтирилмоқда.

Шунингдек, кодексда аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга оид давлат дастурлари қабул қилиниши ва у орқали аёллар ва ёшлар тадбиркорлигига кафолатланган кредитларни бериш, уларнинг давлат харидларида кафолатланган тарзда иштироки таъминланиши қайд этилмоқда.

Тадбиркорлик кодексининг қабул қилиниши соҳадаги муносабатларни тартибга солиб, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва ундан манфаатдор бўлиши учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратишга хизмат қилади. Хусусий мулк, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, шунинг баробарида, республика ижро органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик фаолияти учун эркин муҳит ва шароитлар яратиш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги масъулиятини янада оширишга ҳисса қўшади.

**Қобил ТУРСУНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА МИСР СЕНАТЛАРИ ДЎСТЛИК ГУРУҲЛАРИНИНГ БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Миср Араб Республикаси Сенати ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида парламентлараро дўстлик гуруҳларининг биринчи видеомулоқоти бўлиб ўтди.*

## Мулоқот

Учрашув кун тартибидан Ўзбекистон — Миср муносабатларини савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамда парламентлараро йўналишларда янада ривожлантириш, ҳамкорлик кўламини кенгайтириш масалалари ўрин олди.

Ўзбекистон ва Миср ўртасида стратегик шерикликка асосланган муносабатлар икки мамлакат Президентларининг ташрифлари ҳамда мунтазам мулоқотлари натижасида мазмун ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Учрашувда томонлар умумий тарихий, маданий қадриятлар ҳамда урф-одатларнинг ўхшашлиги икки мамлакат ўзаро алоқаларининг асосий омили бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Маданий-гуманитар муносабатларда илм-фан, таълим, нодир қўлёзмаларни илмий ўрганиш, тиббиёт, туризм, меҳмонхона хизматлари йўналишларида ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш зарурлиги муҳокама қилинди.

Миср томони мамлакатимизда жорий йилда бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий тадбир — парламент сайловида муваффақиятлар тилаб, унда халқаро кузатувчилар сифатида қатнашишга тайёрлигини билдирди.

Мулоқот давомида икки давлат раҳбарлари ўртасидаги олий даражадаги келишувларнинг ижросини таъминлаш мақсадида тизимли парламент назоратини ўрнатиш борасида келишувга эришилди.

Суҳбат якунида навбатдаги парламентлараро дўстлик гуруҳи йиғилишини Тошкент ёки Қоҳирада ташкил этиш, жумладан, тадбирнинг санаси ва кун тартиби масалаларини дипломатик каналлар орқали мувофиқлаштиришга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЯНГИ ИМКОНИЯТ, ҚУЛАЙЛИК ВА РАҒБАТЛАР

## Муносабат

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари ва ишбилармонлари билан очиқ мулоқоти охирги йилларда ушбу соҳадаги тизимли муаммоларни ҳал этиш, таклифлар муҳокама қилиниши ва янги қулайликлар яратиши билан бизнес вакиллари кутадиган муҳим воқеликка айланди.*

*Мамлакатимиз раҳбарининг бизнес вакиллари билан ўтадиган учрашуви шунчаки мулоқотга асосланмайди, балки соҳадаги муаммолар ўртага ташланиб, аниқ ечимлар берилади.*

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракция раҳбарлари ҳамда аъзоларининг ушбу тарихий мулоқотда илгари сурилган ташаббуслар ҳамда Президентимиз нутқининг моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.*

### Тараққиёт локомотиви

**Актам ҲАИТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари:**



— Нукус шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги учрашув олдингилари каби сермаҳсул, электоратимиз манфаатларини ҳимоя қиладиган таклиф ва тавсияларга бой бўлди.

Масалан, шу пайтгача тадбиркорлик субъектлари электр ва газни ўрнатилган лимитдан кўпроқ истеъмол қилса, икки карра қиммат нархда ҳақ тўлашга мажбур эди. Ижтимоий тармоқларда, Президент билан учрашувга тайёргарлик кўриш жараёнлари ҳамда партиямизнинг тадбиркорлар билан ўтказган учрашувларида бу муаммо энг кўп кўтарилган масалалардан бири бўлди.

Ниҳоят, давлатимиз раҳбари учрашувда бу тартибнинг бекор қилинишини урғулади. Энди электр ва газ истеъмоли лимити 20 фоизга ошиб кетса ҳам базавий тариф сақланиб қолади. Истеъмол 20 фоиздан ошиб кетса, базавий тарифга қўшимча 20 фоиз кўпроқ пул тўланади.

Очиқ мулоқот давомида айтилган яна бир фикрга тўхталсам. Давлатимиз раҳбари "текширса — қўрқади, қўрқса — солиқ тўлайди", деган қараш билан иш юрмаслигини ҳамма, айниқса, солиқчилар яхши тушуниб етишини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, шундай. Охирги 7 йилликда мамлакатимизда тадбиркорлик чин маънодаги умуммиллий ҳаракатга айланди. Тадбиркорлар муаммоларига ечим излаш катта-кичик даражадаги раҳбарларнинг кундалик вазифаси бўлиб қолди. Мансабдорлар тадбиркор билан мулоқот қилишга ўргатилди.

Ушбу тарихий учрашувда ўтган бир йил давомида қилинган ишлар билан бирга, бугунги кунда соҳада ечимини кутаётган кўплаб масалалар йиғилиб қолгани рўйирост айтилди. Масалан, кредит вақтида қайтмаса, гаровга қўйилган мулк шартнома тузилган пайтдаги қийматида сотувга чиқарилиши, 3-4 йил олдин кредит олинганда 100 млн. сўмга баҳоланган мулкнинг бугунги нархи 30 — 40 фоиз қимматлашса, уни қандай қилиб эски қийматида сотиш мумкинлиги таъкидланди.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу масалага тўхталар экан, муаммоли кредит билан қаттиқ шуғулланиш кераклиги, лекин бу тадбиркорни "тугатиш" ҳисобидан бўлмаслиги зарурлигини қайд этди. Эндиликда гаровдаги мулкни савдога чиқаришдан олдин унинг ҳозирги бозор қиймати аниқланадиган, қайтмаган қарздорлик гаров қийматининг 15 фоизидан кам бўлса ундирув мулкка қаратилмайдиган тизим яратилиши ва банк мижозига қарзни бошқа манба ҳисобидан қоплашга имкон бериши, шубҳасиз, бизнес вакиллари ўз фаолиятини янада кенгайтириб, янги-янги иш ўринлари яратиш, экспорт кўламини кенгайтириш учун замин ҳозирлайди.

### Бизнес учун қулай масканга айланмоқда

**Зуҳра ИБРАГИМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, «Адолат» СДП фракцияси раҳбари:**



— Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтган тадбиркорлар билан очиқ мулоқотда Президентимиз мазкур тармоқ учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш бўйича муҳим бўлган ташаббусларни илгари сурди. Ушбу ташаббуслардан бири, бу кичик ва ўрта бизнес учун молиявий ресурсларни кўпайтириш орқали қўллаб-қувватлашдир.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу ташаббусни илгари сурар экан, йил бошидан 35 мингдан ортиқ тадбиркорларга 3,5 трлн. сўм микрокредитлар ажратилганига тўхталиб ўтди. Ушбу кредитлар эвазига халқимиз учун минглаб иш ўринлари яратилишини ва оилалар даромади ошишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Тадбиркорлар билан бўлиб ўтган очиқ мулоқотда хорижда бизнесини йўлга қўйган 40 дан зиёд ватандошларимиз иштирок этиб, Қорақалпоғистон шароити билан танишмоқда. Шунингдек, ҳар бир туман кесимида "Қорақалпоғистонда бизнес қилинг" дастурининг ишлаб чиқилиши натижасида бу ерда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматларни ривожлантириш учун янги нафас, камида 10 млрд. долларлик инвестиция ва 500 минг иш ўрни яратиш имконини беради.

Очиқ мулоқотда тадбиркорларнинг товар айланмаси ўтган йилдагига нисбатан 25 фоиз кўпайиб, 986 трлн. сўмга етганлиги, йиллик айланмаси 10 млрд. сўмдан 100 млрд. сўмгача бўлган ўрта корхоналар сони 2 баробар кўпайгани, айланмаси 100 млрд. сўмдан ортиқ йирик корхоналар эса 2 минг 200 тадан ошгани, солиқ, банк, молия, бутун иқтисодиёт комплекси маҳаллабай ва мижозбай ишлашни бошлагани натижасида олдин зарар билан ишлаган 16 мингта корхона ярим йилда 6,5 трлн. сўм фойдага чиққанлиги эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари бу йилги очиқ мулоқот айнан Қорақалпоғистонда ўтказилаётганини изоҳлар экан, бунга асосий туртки бу ерда бизнес учун бирорта ҳудудда йўқ 50 дан ортиқ имтиёзлар пакети яратилгани, ер ажратишнинг содда тизими жорий этилгани ҳамда катта бозорларга чиқиш учун энг қулай ҳудуд, бу — Қорақалпоғистон эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, давлат раҳбарининг тадбиркорлар билан учрашувида илгари сурилган ташаббуслар соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг давоми ва янада кенг имкониятлар эшиги очилишига замин яратади.

### Микромолия хизматлари кенгайтирилади

**Жаҳонгир АБДУРАСУЛОВ,**
**ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси:**



— Тадбиркорлар билан очиқ мулоқотнинг бу галгиси айнан Нукусда ўтказилгани бежиз эмас. Боиси Қорақалпоғистонга инвестиция киритиб, бизнес қилишнинг бошқа ҳудудларга нисбатан учта устунлиги бор.

Биринчиси, Қорақалпоғистонда бизнес учун бирорта ҳудудда йўқ имтиёзлар пакети қилиб берилган. Жумладан, сўнгги беш йилда алоҳида Фармон ва қарорлар билан 52 турдаги имтиёз ва енгилликлар берилди.

Иккинчи устунлик — ер ажратишнинг содда тизими жорий қилингани. Нукус шаҳрида 1 млн. доллар, қолган туманларда 300 минг доллар инвестиция киритиш шарти билан Вазирлар Кенгаши қарори асосида ер участкалари тўғридан-тўғри ажратилмоқда.

Учинчиси, Қорақалпоғистон — бу янги Ўзбекистоннинг дарвозасидир. Чунки катта бозорларга чиқиш учун энг қулай ҳудуд айнан Қорақалпоғистон ҳисобланади.

Учрашувда давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Масалан, кичик ва ўрта бизнес учун молиявий ресурсларни кўпайтириш белгиланди. Бу бежиз эмас, албатта. Сабаби, ўтган йили кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш учун янги тизим жорий қилинган эди. Бу борада Бизнесни ривожлантириш банки ва Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси ташкил этилиб, йил бошидан 35 мингдан ортиқ тадбиркорларга жами 3,5 трлн. сўм микрокредитлар ажратилди.

Мулоқотда ушбу тажриба янада кенгайтирилиши, эндиликда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашда барча банк ва микромолия ташкилотлари иштирок этиши мумкинлиги ва микрокредитлар миқдори 300 млн. сўмга етказилиши айтилди. Шу билан бирга, микромолиявий банклар очилиб, факторинг хизматлари йўлга қўйилади.

Бугунги кунда тадбиркорлар учун микромолия хизматларини кенгайтириш, факторинг ва исломий молия тамойилларини банкларда ҳам татбиқ қилиш тадбиркорлик субъектлари ривожланиши, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишига олиб келади.

### ЯИМ илк бор 100 миллиард доллардан ошди

**Фирдавс ШАРИПОВ,**
**ЎзХДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси:**



— Анъанага айланган ва илк бор Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган навбатдаги мулоқот мамлакатимизда тадбиркорлик муҳитини янги босқичга олиб чиқиши муқаррар.

Нега деганда, очиқ мулоқотда тадбиркорлик соҳасидаги ютуқ ҳамда муваффақиятлар билан бир қаторда тизимли муаммолар жонкуярлик ва юқори талабчанлик билан тилга олинди. Хусусан, Президентимиз тадбиркорлик учун қўшимча шароитлар яратиш бўйича муҳим янги ташаббусларни илгари сурди.

Масалан, кичик ва ўрта бизнес учун молиявий ресурслар кўпайтирилади. Ўтган йили кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш учун янги тизим жорий қилинган эди. Бу борада Бизнесни ривожлантириш банки ва Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси ташкил этилиб, йил бошидан 35 мингдан ортиқ тадбиркорларга жами 3,5 трлн. сўм микрокредитлар ажратилгани эътиборга молик.

Бундан ташқари, "Бизнесга биринчи қадам" дастури бўйича тадбиркорликни энди бошлаётган 115 минг аҳолига 1 трлн. сўмлик микроқарзлар берилди. Энди ушбу тажриба янада кенгайтирилиши белгиланди. Бу, ўз навбатида, янги тадбиркорлар сонини кўпайтириш ва кўплаб иш ўринларини яратишга туртки бўлади.

Очиқ мулоқотда ер бозори шаклланиши таъсирида янги инвестиция лойиҳаларида ер сотиб олиш харажатлари кескин ошаётгани, тадбиркор ерга бунча катта харажат қилгандан кейин қурилиш, техника ва ускунага маблағи етмай қолаётгани қайд этилди. Бу борада эндиликда тадбиркор аукциондан ер сотиб олганда унга қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаш бекор қилиниши айни муддао бўлди.

### Чекловларни қисқартириш зарурати

**Мухтор ҲОЖИМАТОВ,**
**Ўзбекистон Экологик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси:**



— Учрашувда барча саноат корхоналари мутасаддилари электр ва газга ўрнатилган лимит ошиб кетса, тўлов 2 карра кўп ундирилаётганидан норози бўлаётгани айтилиб, саноатимизнинг ўсишига таъсир қиладиган бундай чекловлар қисқартирилиши белгиланди.

Энди электр ва газ истеъмоли лимитдан 20 фоизгача ошиб кетса ҳам базавий тариф сақланиб қолади. Агар истеъмол 20 фоиздан ўтиб кетса, ошган қисмига тўлов 20 фоиз қимматлашади. Шунингдек, тадбиркорлик рейтингида "юқори", "ўрта" тоифадаги корхоналарга электр учун олдиндан тўловни бир ойда иккига бўлиб тўлашга рухсат берилади. Бу ҳам тадбиркорларимиз учун катта имконият, десак, муболаға бўлмайди.

Мулоқотда бюджетдан, кредитдан ва бошқалардан қарзи бор тадбиркорларнинг ҳисоб рақамига "инкассо" қўйилгани учун улар электр, газ ва сувга тўлов қила олмаётганига урғу берилиб, эндиликда "инкассо" бўлганда ҳам коммунал хизматларга тўловлар тўхтатилмаслиги қайд этилди. Бу ўзгаришлар, янгиликлар, халқона айтганда, "Тадбиркорлар даври келди, қандингни ур, тадбиркор!" дегани эмасми?!

**«Халқ сўзи».**

# ХАВФСИЗ ҲАМДА БАРҚАРОР ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Мамлакатимизда энергетика соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар доирасида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, нарх шаклланишининг эркин ва шаффоф механизмларига асосланган рақобатли бозорга эришиш мақсадида ҳуқуқий ва ташкилий асослар мустаҳкамланмоқда.*

## Фикр



Давлатимиз раҳбари томонидан шу йил 7 август куни имзоланган "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Қонун айнан шу соҳа ривожига хизмат қилади.

Мазкур қонун Президентимиз томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган асосий ислоҳотларни давом эттириш мақсадида Туркия, Грузия, АҚШ ва Европа Иттифоқидаги тараққий топган давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда халқаро молия институтлари, хусусан, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда USAID тавсиялари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, мамлакатимизнинг электр энергетика соҳасини ислоҳ этиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Қонунда мамлакатимизнинг энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш, истеъмолчиларнинг нархлар, ишончли ва сифатли электр таъминоти бўйича манфаатларини ҳимоя қилиш, самарали, шаффоф ва рақобатли электр энергия бозорини ривожлантириш ҳамда тартибга солиш, хусусий сармояларни жалб этиш бўйича умумий қоидалар белгиланди.

Қонуннинг яна бир муҳим қоидаларидан бири электр энергетика секторидаги монополиянинг бекор қилинишидир. Айни вақтгача электр энергетика бозори монопол бўлиб, бу янги иштирокчилар ва инновациялар имкониятларини чеклаб қўйган эди. Энди эса янги ўйинчилар учун имконият очилади. Бу рақобатни ривожлантириш ва хизмат сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Қонунда электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш, сақлаш, истеъмолчиларни таъминлаш, марказий харид функцияларини бажариш, электр энергияси савдоси Энергетика бозори регулятори томонидан берилган лицензия асосида амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилган. Бу, ўз навбатида, ушбу фаолият турларини амалга ошириш сифати доимий назорат қилинишига асос бўлади.

Ҳужжатда электр энергияси бозорининг ҳар бир иштирокчисининг мақоми, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги ҳамда улар ўртасида адолатли ва очиқ рақобатни таъминлайдиган механизмлар ҳам аниқ белгиланган. Бу инфратузилма ва бозор маълумотларига тенг кириш шароитларини, шунингдек, шартномалар тузиш ва нархларни тартибга солишнинг шаффоф процедураларини ўз ичига олади.

Қонунга кўра, бозор ва унинг иштирокчилари фаолияти, нархлаш механизмлари, тарифларни қўллаш ва электр энергияси бозоридаги ўзгаришлар динамикасини ўз ичига олган йиллик ҳисобот Энергетика бозори регулятори томонидан эълон қилиб борилади.

Қайд этиш жоизки, мазкур қонунда ижтимоий ҳимояга муҳтож истеъмолчиларни қўллаб-қувватлашга оид нормалар ҳам киритилган. Бу истеъмолчилар учун қулай тўлов шартларини жорий қилиш, олдиндан тўлов ҳисоблагичларини ўрнатиш, таъминотни вақтинча тўхтатиб туришдан озод этиш ва кўрсатиладиган тўғридан-тўғри бошқа ижтимоий ёки моддий ёрдам кўрсатиш каби чоралар белгиланишини назарда тутади.

Сирасини айтганда, ушбу қонун тарифларни шакллантириш учун қатъий қоидаларни жорий қилади. Бу эса ҳақиқий ишлаб чиқариш ва узатиш харажатларини ҳисобга олиш, шунингдек, етказиб берувчилар учун адолатли фойда кўришни таъминлайди.

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасида саноатни ривожлантириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш, энг муҳими, ишончли, хавфсиз ҳамда барқарор электр таъминоти тизимини яратишга хизмат қилади.

**Носиржон АМИНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси меҳнат фахрийси, таниқли ҳуқуқшунос **Машҳура САФАЕВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

**Статистика агентлиги маълумотига кўра, 2024 йилнинг январь — июль ойларида Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 36,8 млрд. АҚШ долларига етган.**

# ТАДБИРКОРЛИК — ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ ГАРОВИ

## ИШБИЛАРМОН БЎЛГАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН

*Куни кеча Президентимиз билан бўлиб ўтган очиқ мулоқотда иштирок этар эканман, тадбиркорлик фаолиятимни бошлаган кезлар хаёлимда жонланди. Ўша даврларда, яъни 1996 йилда битта "Қора уй" (ўтов)ни бир қоп унга ижарага олиб иш бошлаганман. Бу ерда оддий шароит, сув, газ ва электр энергияси ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Лекин туристларни ўзига жалб қиладиган биргина маскан — учта қалъани ўзида мужассамлаштирган "Аяз-қалъа" мажмуаси бор эди.*



Бу ҳудудда табиатнинг 4 та мўъжизаси бир жойда мужассам бўлган, десам, ишонаверинг. Бир томони қум-саҳро, иккинчи томони тоғ, орқасида катта кўл, олдида катта қадимий қалъа жойлашган. Хуллас, шу ерда дастлабки ўтовимизни қуриб, туристларга хизмат кўрсатишни бошлаганмиз.

Лекин қанчалик шижоат билан ишласак-да, фаолиятимизнинг туризм хизмати сифатида тан олиниши учун икки йилча вақт ўтган. Буни биз билан бирга тадбиркорлик фаолиятини бошлаганлар жуда яхши билишади.

Албатта, бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг бизнес вакилларига яратиб бераётган шароитлардан фойдаланган ҳолда 20 дан ортиқ миллий ўтовлар ва 2 та замонавий юрта ўрнатганмиз. Шу билан бирга, янги русумдаги автобус ва бошқа жиҳозлар олишга эришдик. Сайёҳлар бемалол қолиб ҳордиқ чиқариши, табиатдан баҳра олиши учун имконият ҳамда сайр қилишлари учун туялар ҳам бор.

Очиқ мулоқотда биз каби тадбиркорларга берилаётган имкониятлардан фойдаланиб, фаолиятимизни янада кенгайтиришга аҳд қилдик. Негаки, бизни Президент қўлламоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг "Тадбиркор — элга мададкор, деймиз. Тадбиркорга ким мададкор? Тадбиркорга давлат — Президент мададкор бўлади", деган сўзларини эшитиб шу юртда яшаб, ишбилармонлар сафида эканимдан беҳад фахрланиб кетдим.

**Дилбар КАРИМБЕРДИЕВА,**
**Тўрткўл туманидаги «Аяз юрт» оилавий туризм корхонаси директори, «Шуҳрат» медали соҳибаси.**

## ИШОНЧ ЗИММАМИЗГА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

*Кейинги йилларда тадбиркорларга берилаётган имконият, билдирилаётган ишонч ҳақида ўйлар эканман, беихтиёр фермер сифатида иш бошлаган кезларим ёдимга тушади. Ўшанда 20 гектар майдонда деҳқончилик қилганмиз. 2018 йилга келиб давлатимиз яратиб берган имкониятлардан оқилона фойдаланишимиз натижасида 30 дан зиёд қишлоқ хўжалиги техника воситаларига, юқори унумли ҳайдов тракторлари ҳамда ўрим комбайнларига эга бўлдик. Экин майдонларимиз эса 400 гектарга етди.*



Бу орада хўжалигимиз негизида "Бухоро асл элита уруғчилик хўжалиги"ни ташкил этишга муваффақ бўлдик. Бу бизга даромадимизни кескин ошириш имконини берди. Чунки сифатли уруғлик чигит ва доннинг бозори ҳамиша чаққон. Шу мақсадда россиялик ҳамда хитойлик етакчи олимлар билан ғалла ва пахта уруғчилиги бўйича алоқаларни йўлга қўйдик.

Чорвачиликни ҳам жадал ривожлантиряпмиз. Чунончи, бундан уч йил муқаддам 3 миллиард сўм маблағ эвазига хориждан наслли қорамоллар харид қилдик. Сигирларни автоматлаштирилган ҳолда соғиш комплексини тикладик. Тўрт гектарга яқин майдонда сув ҳавзаси барпо этиб, балиқчиликни ҳам йўлга қўйдик.

Булар ҳақида батафсил тўхталишим бежиз эмас. Фаолиятимиз кенгайиб, кўп тармоқли йирик хўжаликка айланишида давлатимиз томонидан фермерларга қаратилаётган эътибор, солиқ имтиёзлари жуда катта аҳамият касб этди.

Қувонарлиси, Президентимиз тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқот чоғида ишбилармонликни янада қўллаб-қувватлаш бундан кейин ҳам устувор вазифа бўлиб қолишини таъкидлади. Буни биз, тадбиркорлар ўзимизга билдирилган юксак ишонч деб биламиз. Эл-юрт фаровонлиги йўлида масъулият билан ишлаб, халқимиз дастурхони тўкин бўлиши учун бор куч-ғайратимиз, билим ва салоҳиятимизни аямаймиз.

**Анвар КЕНЖАЕВ,**
**Вобкент туманидаги «Заҳро юлдузи» фермер хўжалиги бошлиғи, «Фаол тадбиркор» кўкрак нишони соҳиби.**

## ОЧИҚ МУЛОҚОТ ОРЗУЛАРИМГА ЙЎЛ ОЧДИ

*Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан анъанага айланган очиқ мулоқотида соҳа ривожи учун фойдали бўлган бир қанча янгиликлар ўртага ташланди. Учрашув аввалидаёқ тармоқ вакилларини қўллаб-қувватлаш юзасидан бешта йўналишда ташаббус олға сурилди. Бу эса соҳа вакилларини қийнаб келаётган қатор саволларга амалий жавоб бўлди.*



Аслини олганда, бугун юртимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани тизимдаги субъектларнинг маҳсулот ва меҳнат бозоридан муносиб ўрин топишида катта омил бўлмоқда. "Бизнес юритаман" деган инсон борки, сармоясини ҳеч иккиланмай сарфлаяпти. Буни хорижий инвесторлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, бизнинг трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамиз россиялик тадбиркор сармояси эвазига ташкил қилинган.

Уч йил аввал 1,5 миллион доллар қийматидаги лойиҳа ижроси билан маҳаллий иқтисодиётга қўшилгандик. Дастлабки босқичда йилига 5 миллион долларлик маҳсулот ҳажмида яратилган қувватлар барпо этилиши билан 250 та иш ўрни очилди. Тайёрлаётган кийим-кечакларимиз юз фоиз ташқи бозорга чиқади. Бу билан туман экспорт салоҳиятини оширишга, озмикўпми ҳисса қўшаётганимиздан кўпчилик мамнун.

Асосийси, фақат шунинг ўзи билан чекланиб қолганимиз йўқ. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида туман ҳокимлигидан қўшимча жой сўрагандик. Марказдан унча узоқ бўлмаган Оқтош маҳалласида барпо этилаётган "Ёшлар кичик саноат зонаси"дан бир гектар ер ажратиб берилди. Унда иккинчи фабрикамизни ишга туширдик.

Очиғи, 3,5 миллион доллар қийматидаги ушбу лойиҳамиз анча салмоқли. Буни, масалан, ўтган йил охирида ишга туширилган қўшимча қувватлар ёрдамида ойига 1 миллион долларга тенг трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш, 700 га яқин янги иш ўринлари яратиш имконияти вужудга келгани билан изоҳлаш мумкин.

Хуллас, давлатимиз раҳбари билан очиқ мулоқотдан катта таассурот билан қайтдим. Бу ерда кўтарилган ва ҳал этилган масалалар нафақат анжуманнинг бевосита иштирокчилари, балки Ўзбекистоннинг барча тадбиркорларига яхшигина мотивация беришига шак-шубҳа йўқ.

**Маҳфуза ГЮМЮШ,**
**Тўрақўрғон туманидаги «Runamtex» масъулияти чекланган жамият шаклидаги хорижий корхона директори, «Фаол тадбиркор» кўкрак нишони соҳибаси.**





ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

### БИЗНЕСМЕНЛАР ТОВАР АЙЛАНМАСИДАГИ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ

**Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши натижасида ушбу тармоқда кўплаб ютуқларга эришилди. Хусусан:**

- **жорий йилнинг ўзида тадбиркорларнинг товар айланмаси ўтган йилдагига нисбатан 25 фоиз кўпайиб, 986 триллион сўмга етди;**
- **йиллик айланмаси 10 миллиард сўмдан 100 миллиард сўмгача бўлган ўрта корхоналар 2 карра кўпайди;**
- **айланмаси 100 миллиард сўмдан ортиқ йирик корхоналар эса 2 минг 200 тадан ошди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 2 баравар кўп.**

## ЖАҲОН БОЗОРИДА ЎЗ БРЕНДИМИЗНИ ЯРАТАМИЗ

*Биз тадбиркорлар учун 20 август санаси қўшалоқ байрам бўлди. Шу куни давлат раҳбари билан ўтказилган очиқ мулоқотда муаммо, мулоҳаза ва таклифлар тингланди. Анжуманнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда биз каби бизнес вакиллари учун қатор енгилликлар, имтиёзлар берилди. Бу нафақат иш фаолиятимизни кенгайтириш учун имконият яратади, балки ўзимизда ҳам ишга иштиёқ, келажакка ишонч туйғулари мустаҳкамланади.*



Фаолиятимиз ҳақида айтадиган бўлсам, корхонамизда жаҳон андозалари даражасида тайёр кийим-кечаклар тикилади. Қарийб 100 нафар опа-сингилларимиз доимий иш ўрни билан таъминланган бўлиб, йиллик экспорт ҳажми 6 миллиард сўмни ташкил этади. Ҳозирда маҳсулотларимиз, асосан, МДҲ мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Яқинда корхонамизда жаҳон бозорида машҳур "JEEP" брендининг спорт кийимларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, Италияга экспорт қилиш бошланди. Мақсадимиз Европа бозорига экспорт кўламини тобора кенгайтириб бориш орқали ўз брендимизни яратишга қаратилган.

Президентимиз очиқ мулоқотда бевосита бизнинг яқин истиқболга мўлжалланган режаларимизга ҳамоҳанг фикрларни билдиргани беҳад қувонарлидир. Таъкидланганидек, ён қўшниларимизда йиллик импортга 90 миллиард доллар эҳтиёж бор. Аммо ундаги мамлакатимиз тадбиркорларининг улуши атиги 4 фоиз. Демак, рақобат борасида ҳали анча ишлашимиз зарур.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик халқаро транзит юкларини ташишда ортиқча тўлов ва чекловлардан халос қилишини қайд этди. Бунинг учун маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириш, халқаро стандартларга ўтиш кераклигини таъкидлади. Бу бизнинг корхонамиз имкониятларини ҳам кенгайтиради. Имтиёзлар фақат биз тадбиркорлар учунгина эмас, халқимиз ва давлатимиз учун ҳам жуда катта фойда келтиради. Ахир тадбиркор бой бўлса, юртда тўкинлик бўлади-да!

**Зебинисо ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**Фарғона шаҳридаги «Tantana tekstil» МЧЖ раҳбари, «Фаол тадбиркор» кўкрак нишони соҳибаси.**

## ЕЛКАМИЗГА ОФТОБНИНГ ТЕККАНЛИГИ РОСТ БЎЛСИН...

*2015 йилда тадбиркорликни бошлаганимизда иккиланишлар кўп бўлган. Чунки ўша йиллари бу соҳада иш бошлаш осон эмас, турли тўсиқлар, муаммолар ҳам етарлича эди. Очиғи, қайси эшикка бормайлик, қуруқ қўл билан қайтардик...*

*"Ойнинг ўн беши ёруғ..." деганларидек, орадан бир-икки йил ўтгач, бизнес вакиллари елкасига офтоб тегди. Кўп ўтмай, Президент билан очиқ мулоқот ташкил этилгани эса биз каби ишбилармонлар жонига оро кирди.*



Бу йилги анжуманда ҳам тадбиркорларга янада кенг имкониятлар яратилди, бизнес йўлидаги баъзи тўсиқлар олиб ташланди. Албатта, бу бизни жуда қувонтирди.

Корхонамизда тайёр пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Дастлаб фаолиятимизни 56 нафар ишчи-ходим билан бошлаган бўлсак, бугунги кунга келиб 200 дан зиёд маҳаллий ёшлар бандлигини таъминладик.

Маҳсулотларимиз ҳозирча ички бозорларга етказиб берилмоқда. Қувонарлиси, корхонамиз даромади йилдан-йилга юксалиб, ишчиларимизнинг манфаатдорлиги ошмоқда. Ўтган йилни 3 миллиард 126 миллион сўм соф даромад билан якунладик. Бу йил режалар янада улкан. Мақсадни ҳам, ниятни ҳам катта қўйиб бормоқдамиз.

Очиқ мулоқотда Президентимиз томонидан билдирилган фикрлар мен каби яна кўплаб тадбиркорларни янги-янги марралар сари ундади. Энди маҳсулотларимизни жаҳон бозорига олиб чиқиш устида бош қотира бошладик. Яқин кунларда Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтиши кутилаётган халқаро кўргазмада иштирок этиб, хориж тажрибасини ўрганиш ниятидамиз.

Ишонаманки, анжуманда кичик ва ўрта бизнес ривожига, қолаверса, биз каби тадбиркорларга яратилган имтиёзлар жаҳон бозорларига сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар билан кириб бориш имконини беради.

**Марҳабо ЯКУБОВА,**
**Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманидаги «Jizzax Bek-Star» МЧЖ раҳбари.**

## ЮРАГИМИЗДА ҒУРУР, ИФТИХОР ҲИССИ ЖЎШ УРМОҚДА

*Тадбиркорнинг ҳуқуқлари қонун билан кафолатланса ва фаолияти давлат томонидан қўллаб-қувватланса, бизнеси ривож топади, ишида унум, барака бўлади. Буни бугун ўз ҳаётимиз мисолида кўриб турибмиз.*

*Айниқса, Президентимизнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотида билдирилган ташаббус ва таклифларни диққат билан тинглаб, бунга яна бир бор амин бўлдим.*



Давлатимиз раҳбарининг нутқида фаолиятимизга оид жуда кўплаб масалалар қамраб олинган. Ҳар бир вилоятда Тадбиркорликни ривожлантириш компаниясининг филиали ташкил этилиши, факторинг хизмати оммалаштирилиши, ердан инвестиция сифатида фойдаланиш тизимининг такомиллаштирилиши, электр ва табиий газдан фойдаланишда тўловлар бўйича берилган енгилликлар биз учун ниҳоятда муҳим янгилик бўлди.

Ёки озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш ускуналари ҳамда бутловчи қисмлари олиб келинганда тегишли сертификат олиш учун Хоразмда ҳам синов лабораториясини очиш тўғрисидаги таклиф вилоятимиз тадбиркорлари учун яна бир қулайлик яратади.

Умуман, очиқ мулоқотда соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган муҳим йўналишлар белгилаб берилди ва қатор янги ташаббуслар илгари сурилди.

Ишонамизки, бу ўзгаришлар бизнинг фаолиятимиз учун ҳам дастуриламал бўлади. Яъни халқ ҳунармандчилиги анъаналарини ривожлантириш, ёшларга касб ўргатиш ва доимий даромад олиш учун мустаҳкам замин яратади.

Сирасини айтганда, очиқ мулоқотда билдирилган фикрлар, яратилаётган имкониятлар бизни янги лойиҳаларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришга ундамоқда. Бундан юрагимизда ғурур, ифтихор ҳисси жўш ураётир.

**Замира ЖУМАНИЁЗОВА,**
**Қўшкўпир туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, «Фаол тадбиркор» кўкрак нишони соҳибаси.**

## ТАШАББУС КЎРСАТИБ ИШЛАЙДИГАН ЗАМОН КЕЛДИ

*Нукус шаҳрида бўлиб ўтган Президент Шавкат Мирзиёевнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти, рости, кутилмаган янгиликларга бой бўлди. Унда давлатимиз раҳбари тадбиркорлик учун қўшимча шароитлар яратиш бўйича муҳим янги ташаббусларни илгари сурди.*



Бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашнинг янги чоралари — микрокредит лимитини 300 миллион сўмгача ошириш, микромолия ташкилотлари учун қўшимча ресурслар ажратиш, факторинг хизматлари ва исломий молия бозорини ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни ҳеч биримиз кутмагандик, десам, муболаға бўлмайди.

Очиғи, Ўзбекистонда тадбиркорлик қилиб барака топадиган замон келди. Бу гапни бежиз айтмаяпман. Энди банк бўлмаган янги институт — факторинг ташкилоти учун йўл очиляпти. Бу имконият ишбилармонлик муҳитини янада оширишга хизмат қилади.

Факторинг ташкилоти хорижий валютада ҳам хизмат кўрсатиши мумкин бўлади. Бу жараёнда қатнашадиган банк, микромолия, факторинг ташкилоти ва тадбиркорлар фойдаланадиган алоҳида электрон платформа ишга тушади. Яъни тадбиркор ундан ўзига қулай молиявий маҳсулотни танлаш имкониятига эга бўлади.

Умуман, факторингни оммалаштириш ҳисобидан тадбиркорларга айланма учун 20 триллион сўм, экспортчи корхоналарга 1 миллиард доллар қўшимча молиявий ресурслар пайдо бўлиши — жуда катта ютуқларга эришиш учун йўл очади.

Давлатимиз раҳбари биз, тадбиркорлар учун навбатдаги жуда катта имкониятлар эшигини очиб беряпти. Биз бундан оқилона фойдаланамиз, билдирилаётган ишончни оқлаймиз. Тадбиркор ва ишбилармонлар ортида Президент тургани бизга қанот бағишлайди, айни чоғда катта масъулият юклайди. Шундай экан, ҳеч иккиланмай ташаббускор бўлиб, фаолиятимизни янада кенгайтирамиз.

**Жамшид АҲМЕДОВ,**
**Жарқўрғон туманидаги «Parranda Kompleks Savdo» МЧЖ раҳбари, «Фаол тадбиркор» кўкрак нишони соҳиби.**

**Тошкент халқаро кинофестивали тарихида илк бор ТУРКСОЙга аъзо мамлакатлар ўртасида Анимация форуми ўтказилиши режалаштирилмоқда.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 12 771 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Т. Эшбоев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6